



ILMIY ELEKTRON JURNAL

СПОРТ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Вафоев Бобуржон Расулович

ТДИУ, “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси
мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент

b.vafoev@tsue.uz

Аннотация

Рақамли трансформация – бу ривожланишинг янги босқичи бўлиб, у технологиялар ва инновацияларга асосланган бизнес-моделлар, принциплар ва ишбилармонлик маданиятининг ўзгаришига олиб келади. У нафақат иқтисодиёт, балки кундалик ҳаётимизга ҳам кучли таъсир этувчи глобал жараёндир. Мазкур мақолада мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида рақамли технологиилар қўлланилиши истиқболлари ва бу соҳанинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.

Аннотация

Цифровая трансформация – это новый этап развития, который приводит к изменению бизнес-моделей, принципов и бизнес-культуры на основе технологий и инноваций. Это глобальный процесс, который сильно влияет не только на экономику, но и на нашу повседневную жизнь. В данной статье анализируются перспективы использования цифровых технологий в сфере физического воспитания и спорта в нашей стране и современное состояние этой сферы.

Abstract

Digital transformation is a new stage of development, which leads to a change in business models, principles and business culture based on technologies and innovations. It is a global process that strongly affects not only the economy, but also our daily life. This article analyzes the prospects for the use of digital technologies in the field of physical education and sports in our country and the current state of this field.

Kalit so‘zlar

Рақамлаштириши, рақамли ўзгаришилар, замонавий рақамли ва ахборот технологиялари, жисмоний тарбия ва спорт, ягона тақвим режаси, спорт тоифалари ва унвонлари, ҳамда спорт машгулотлари тизими.

Ключевые слова

Цифровизация, цифровая трансформация, современные цифровые и информационные технологии, физическое воспитание и спорт, единый календарный план, спортивные разряды и звания, система спортивной подготовки.

Keywords

Digitization, digital transformation, modern digital and information technologies, physical education and sports, unified calendar plan, sports categories and titles, and sports training system.

Кириш

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида рақамли трансформация жараёни бошланди. Бу, бир томондан, режалаштирилган стратегик қадам бўлса, иккинчи томондан, турли хил чекловлар туфайли бу жараённинг аҳамияти ортиб бормоқда. Рақамли трансформация рақамли технологияларнинг ривожланиши натижасида ташкилотлар, бўлимлар ва бутун тармоқнинг ички жараёнларини тубдан ўзгартиришни англатади. Бунинг натижасида жараёнлар анча тезлашиб, фойдаланувчилар учун янада қулай ва содда шаклга келтирилади.

Рақамлаштириш ҳақида гапирганда, шуни ёдда тутишимиз керакки, у инсон эҳтиёжларининг барча босқичларини эътиборга олиши лозим. Бугунги кунда ахборотлашган жамиятнинг ҳар бир аъзоси қўйидагиларга эҳтиёж сезади, яъни керакли товарлар ва хизматларни қидириш вақтини қисқартириш, ўз хизматларини, билим ва кўникмаларини сотиш, орттирилган тажриба ва ўзлаштирилган фикрларни алмашиш, энг яхши сервислар, маҳсулотлар ва хизматларни танлаш, қулай жойда замонавий хизматларни олиш ҳамда профессионал ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва ш.к.

Республикамиз олдида турган миллий ривожланиш мақсадларига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу мақсадлардан бири – фуқароларнинг яшаш тарзи, ҳаёт давомийлиги ва турмуш сифатини оширишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли фармони ана шу заруриятларга қаратилган энг муҳим масалаларни ўз ичига олгани билан эътиборлидир.

Ушбу Фармон доирасида юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини оммавий тарзда ривожлантириш учун 2021 йилдан бошлаб, дастурлар тўлиқ амалга оширилгунга қадар ҳар йили Давлат бюджетидан 104 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Шунингдек, жисмоний имконияти чекланган ва

ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб қилишга қаратилган дастурлар учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Қолаверса, ахолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида “Соғлом турмуш тарзи” (www.1hls.uz) платформаси яратилиб, Ўзбекистон худудида бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан, ҳар ойда ҳар бир туман (шахар) бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўмдан, ҳар бир худуд бўйича энг кўп юрган шахсга 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахсга 1 миллион сўм қўшимча равища платформадаги электрон ҳамёнига ўтказиш амалга оширилмоқда.

Адабиётлар таҳлили

Рақамли технологиялар компанияларнинг фаолияти ва замонавий мижозларнинг эҳтиёжлари ва умидларига мослашиш усууларини ўзгартириб юборди. Профессионал спортчилар ва лигалардан тортиб хусусий фитнес клублари, кийим-кечак ва жиҳозлар ишлаб чиқарувчилари ва тадбир ташкилотчилари гача бўлган етакчи саноат ўйинчилари рақобатдош устунликка эга бўлиш учун спортда технология афзалликларини синааб кўрмоқда ва муваффақиятли фойдаланмоқда [3].

Спорт соҳасини рақамлаштириш бўйича турли олимлар ва тадқиқотчилар иш олиб боришган. Уларнинг тадқиқотлари жисмоний тарбия, спорт технологиялари, маълумотларни таҳлил қилиш ва рақамли трансформациянинг спорт соҳасига таъсирини ўрганишга йўналтирилган. Қуйида шу мавзуда иш олиб борган баъзи таникли олимлар ва уларнинг йўналишлари:

Boris Moshe Feldman илмий ишларида рақамли технологияларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таъсирини ўрганиб, у спортчиларнинг натижаларини таҳлил қилиш, уларнинг саломатлик кўрсаткичларини кузатиш учун рақамли воситалардан фойдаланиш йўналишида тадқиқотлар олиб борган.

Sebastyan Lopes-Gonzales спорт ва рақамли трансформация, хусусан, спорт маркетинги, фанатлар билан алоқаларни ўрнатиш ва рақамли платформалардан фойдаланиш бўйича иш олиб борган ҳамда спорт ташкилотларининг рақамли дунёда қандай фаолият олиб бориши бўйича тадқиқотлар ўтказган.

Adam Hulmen рақамли фитнес технологиялари ва спортда сунъий интеллектдан фойдаланишни ўргангандан тадқиқотчи бўлиб, жисмоний фаолликни мониторинг қилиш учун смарт технологиялардан фойдаланиш ва уларнинг спортчиларнинг натижаларига таъсири бўйича ишлар олиб борган.

Markus Raab спорт психологияси ва рақамли трансформация мавзусида иш олиб борган ва спортчиларнинг психологик ҳолатини яхшилаш учун рақамли технологиялардан қандай фойдаланиш мумкинлигини ўргангандан.

Martin Van Ikkelen ўз илмий ишларида спортда рақамли трансформациянинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини ўргангандан. У рақамли технологияларнинг спорт маркетинги, оммавийлаштириш ва муҳлислар билан ишлаш соҳаларига таъсирини тадқиқ қилган.

Бу олимлардан ташқари, турли жаҳон университетлари ва илмий марказлар спортда рақамли трансформация мавзусини ўрганишга катта эътибор

қаратмоқда. Тадқиқотлар асосан маълумотларни таҳлил қилиш, сунъий интеллект, фитнес-технологиялар ва рақамли платформалар орқали спортни ривожлантириш йўналишларига йўналтирилган.

Баъзи IT-технологияларнинг спортга таъсири унчалик аниқ эмас, аммо аҳамиятли. Блокчейн ва NFTлар, бу рўйхатни тузиш учун энг кам номзод бўлиб кўринса ҳам, аслида бизнес сифатида спортнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади [4].

Мазкур соҳада маҳсус тадқиқотлар ўтказган олимлар сони ҳали кўп эмас, чунки бу йўналиш яқинда пайдо бўлган ва шунингдек, турли соҳаларни бирлаштирган янги илмий йўналишдир. Аммо, рақамли трансформациянинг спортга таъсири бўйича тадқиқотлар спорт технологиялари, маълумотлар таҳлили, сунъий интеллект ва ахборот технологиялари каби соҳаларда олиб борилади.

Олимлар ва тадқиқотчилар рақамли технологияларнинг жисмоний тарбия ва спортга таъсирини ўрганишда замонавий спорт воситалари, маълумотлар таҳлили (Big Data), смарт қурилмалар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича ишламоқда. Турли университетлар ва илмий марказлар ҳам бу йўналишда тадқиқотлар ўтказишмоқда.

Тадқиқот методологияси

Спорт иштирокчилари таркиби жиҳатидан анча мураккаб соҳа бўлиб, унда болалар, спортчилар, мухлислар, давлат спорт мактаблари, спорт федерациялари, илмий муассасалар ва тижорат ташкилотлари иштирок этади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва молия секторлари вакилларини ҳам спорт соҳасида учратиш мумкин. Бундай соҳани бошқариш саноат ёки чакана савдога нисбатан анча мураккаброқ, чунки у ерда давлат назорати, ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар ҳамда харидорлар каби учта аниқ мақсадли субъектлар мавжуд. Бугунги кунда мамлакатимизда спорт мақсадларига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд: медаллар/чемпионлар/ватанпарварлик, миллат саломатлиги, кўнгилочар спорт ёки бизнес мақсадлари.

Соҳани стратегик ривожлантириш режасига мувофиқ, 2030 йилга келиб мамлакатимиз аҳолисининг 80 фоизи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши лозим. Рақамли трансформация ушбу натижага эришиш, яъни мамлакат аҳолиси учун маҳсус имкониятлар яратишга хизмат қилиши зарур.

Биринчидан, рақамли технологиялар инсонларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига мотивация уйғотади.

Иккинчидан, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар учун қулийлик яратади. Масалан, битта тутмани босиши орқали фарзандингизни бирорта спорт мактабига ёки ўзингизни бирорта спорт тўгарагига аъзо қилишингиз, сиз яшаётган худуддаги ёки яқин атрофингиздаги спорт иншоотлари ва унинг имкониятлари ҳақида кенгроқ маълумот олишингиз мумкин.

Учинчидан, соҳадаги жараёнларни соддалаштиради. Бу жараёнлар спортчилар, мураббийлар ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан дўстона

муносабатни таъминлаши лозим. Масалан, агар бирор инсон спорт мусобақасида қатнашиб спорт тоифаси ёки унвонини олиш хуқуқига эга бўлса, у ҳолда спорт тоифаси ёки унвонини олиш жараёни автоматик тарзда амалга оширилиши керак. Ёки тақвим бўйича бирор спорт тадбирини режалаштириш масаласи ҳам оддий ва онлайн бўлиши лозим.

Тўртингчидан, жараёнларнинг шаффоғлигини ошириш таъминланади. Рақамли трансформация ҳақида гап кетганда, тизимга бирламчи маълумотларни киритиш ҳисобига ҳар доим шаффоғликни ошириш назарда тутилади. Спорт соҳасига тегишли аниқ мисол билан айтадиган бўлсак, бундай маълумотлар мусобақа баённомаларидан (электрон кўринишида) олинган ёки ҳакамларнинг баҳоларидан иборат бўлиши, қолаверса, спорт машғулотларида иштирок этаётган ҳар бир спортчининг ҳамда мураббий томонидан натижалар қайд этиладиган электрон журнал бўлиши мумкин.

Шаффоғлик, бошқа омиллар қаторида, истеъодди инсонларнинг, яъни ҳам спортчилар ва ҳам мураббийларнинг тизимда узоқ қолишини таъминлашга ёрдам беради. Бу эса, натижадорлик нуқтаи-назаридан муҳимдир: агар бизнинг олдимизга 80% натижага эришиш мақсад қилиб қўйилган бўлса, у ҳолда унга иштирок этаётган фуқароларни санаш масаласини тушуниш мумкин. Мазкур ҳолатда ҳам рақамли технологиялар бизга ёрдамга келади. Вазифанинг муҳим жиҳатларидан бири – бу бошланғич маълумотлар (маълумотларни ҳозирги кундагига ўхшаб қўлда киритмаслик талаб этилади), яъни мусобақа баённомалари, спорт билан шуғулланадиган обьектлар ҳақидаги ҳаваскорлар қайдлари, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг обьектив кўрсаткичларини олиш учун бошқа ташкилотларнинг маълумотлари (масалан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия дарсларида қатнашаётганлиги ҳақидаги маълумотлар) ёрдамида ўрганиш ҳисобланади.

Соҳани рақамли трансформацияси учун қанча вақт талаб этилади, қандай босқичлар устувор ва уларнинг қайси бирига кўп вақт сарф қилинади, шу каби масалаларга ечим топиш мавжуд муаммоларни аниқлаб келгусидаги стратегик вазифаларни белгилаб олиш учун муҳим саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида спорт соҳасини рақамли трансформация қилиш 2023 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Соҳада рақамли трансформацияни тўлиқ режалаштириш уч йиллик бюджет цикли ичida амалга оширилади. 2021 йилдан 2023 йилгача мўлжалланган рақамли трансформациянинг идоравий дастурларини соҳанинг барча ташкилот ва корхоналари лойиҳалар талаб қиласидиган маблағ миқдори бўйича амалга оширади.

Тахлил ва натижалар

Спорт соҳасида рақамли трансформациянинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- технологиялар асосидаги ислоҳотлар: Рақамли трансформация спорт соҳасидаги барча жараёнларни автоматлаштириш ва замонавий технологиялар

орқали янгилашни кўзлайди. Бу, айниқса, спорт тадбирлари, ўқув-машғулот жараёнлари ва маъмурий вазифаларни самарали бошқаришга имкон беради;

- фойдаланувчи учун қулайлик: Рақамли ечимлар ёрдамида спортчилар, мураббийлар ва мухлислар учун қулай платформалар ва воситалар яратилади. Масалан, онлайн рўйхатдан ўтиш, спорт тадбирлари тақвимини қузатиш ва статистик маълумотларни тезкор олиш имкониятлари юзага келади;

- транспарентлик ва аниқлик: Рақамли технологиялар орқали спорт соҳасида аниқлик ва шаффофлик ошади. Спорт тоифалари ва унвонларни белгилаш, натижаларни баҳолаш, ва статистик ҳисботлар йиғиши жараёнлари рақамлаштирилиши ҳисобига одилона ва очиқ бўлади;

- маълумотларни самарали бошқариш: Рақамли трансформация катта миқдордаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва бошқариш имконини беради. Бу келажакда қарор қабул қилиш ва стратегиялар ишлаб чиқишида муҳим ўрин тутади;

- ижтимоий инклюзия: Рақамли технологиялар ногиронлиги бор шахсларни ҳам спортга жалб қилиш имкониятларини кенгайтиради. Турли платформа ва дастурлар бу гуруҳларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишини осонлаштиради;

- соҳавий интеграция: Рақамли трансформация спорт соҳасини соғлиқни сақлаш, таълим ва иқтисодиёт каби бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлайди, бу эса умумий ижтимоий ривожланишга ҳисса қўшади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини рақамли трансформация орқали ривожлантириш учун келгусида тўртта асосий хизматни кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ: ягона тақвим режасини жорий қилиш, спорт тоифалари ва унвонларини тасдиқлаш, болаларни спорт машғулотларига рўйхатга олиш ва статистик ҳисботларни тўплаш.

Ушбу тўрт компонентнинг изоҳига тўхталиб ўтамиз. Ҳукумат томонидан ҳар йили мазкур хизматларни молиялаштириш амалга оширилмаган тақдирда ҳам функционал ечим топиш мақсадга мувофиқ. Масалан, ягона тақвим режани интернет тармоғида жойлаштириш.

Бу тўрт хизмат содда таркибий тузилишга эга бўлиши билан бир қаторда, улар бир нечта асосий реестрлар билан боғлиқдир. Реестрлар мамлакатнинг бутун худудида ягона стандарт бўйича тузилиши лозим. Улардан энг соддаси – спорт турлари реестри ҳисобланади, мураккаблиги бўйича саралайдиган бўлсак, кейингиси – спорт федерациялари реестри, спорт ташкилотлари реестри, спорт иншоотлари реестри ва нихоят, спортчилар реестри ва спортчининг паспорти.

Спорт тайёргарлиги электрон кундалиги (мураббийлар билан ишлаш ва спорт машғулотларини ташкил этиш билан боғлиқ фаолият) рақамли трансформациялаш идоравий дастурларига киритилиши лозим бўлган муҳим элементdir.

Худудлар миқёсида олиб қараганимизда, уларнинг рақамлаштиришга қанчалик тайёрлигини аниқлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан қаралгандা, мамлакатимиз худудларида жисмоний тарбия ва спортни рақамлаштириш жараёнлари турли хил кўринишга эга. Ушбу масалада илғор

худудлар, шу билан бирга, кўпгина жараёнлар қофозда қилинадиган ва ҳозирча деярли “рақамлаштириш” ҳақида гапириб бўлмайдиган худудлар ҳам мавжуд.

Ахборот ва телекоммуникация инфратузилмасини ҳамма худудларда ҳам юқори даражада ривожланган деб бўлмайди. Шунинг учун идоравий дастурлар асосан рақамлаштириш учун зарур бўлган инфратузилмани ривожлантиришига қаратилиши, минтақалар учун субсидиялар қўринишидаги грантларни назарда тутиши лозим. Ҳақиқатан ҳам, замонавий ахборот ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантирмасдан туриб, рақамлаштириш соҳадаги кейинги қадамлар ҳақида гапириш мумкин эмас.

Рақамлаштириш соҳасида худудий яхлитликни таъминлайдиган ҳали умумий тизим мавжуд эмас. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бундай тизимларни яратиш устида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Худудлар бўйича соҳада рақамли трансформацияни қуришга имкон берадиган энг яхши тажрибалар тўпланиб, секин-асталик билан ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Бундай ҳатти-харакатлар худудда соҳанинг устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда, келгусида нима қилиш кераклигини ва қайси йўналишда ҳаракат қилиш кераклигини тушунишга имкон беради. Қолаверса, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича худудлар миқёсида кенг қамровли сўровномалар ўtkазиш мақсадга мувофиқ. Анкета сўровлари рақамлаштиришнинг мақсадли модели ҳақидаги тасаввурларни шакллантириши лозим. Шунга кўра, олинадиган натижалар амалга оширилган ишларнинг ҳозирги ҳолатини кўришга имкон яратиши зарур. Бу эса ҳамма учун жуда фойдали иш ҳисобланади.

Кўпгина спорт ташкилотлари рақамли трансформация нуқтаи-назаридан нима қилиш кераклиги ҳақида ўз қарашларига эга ҳамда улар бундай ташаббусларни эҳтимол аллақачон бошлаб юборишган. Умуман олганда, турли манфаатдор томонларнинг шерикчилик асосидаги фаолиятлари жуда катта натижалар бериши мумкин.

Худудларда бўлгани каби, рақамлаштиришнинг жорий ҳолати спорт ташкилотларида ҳам фарқ қиласди. Мазкур соҳада етарлича муваффақиятларга эришган ташкилотлар ҳам талайгина. Рақамли трансформация нуқтаи-назаридан, улар хукumat даражасидаги энг яхши тажрибага қараганда бир қадам олдинда юришади. Шу билан бирга, ҳали ҳеч қандай амалий иш қилинмаганлари ҳам бор.

Ким ўтмишни тўғри баҳоласа, у келажакни билади. Мамлакатимизда спортнинг ривожланиш моделини тушуниш ва башорат қилиш учун унинг ривожланиш босқичларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим (расм). Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда, албатта, ҳар бир спорт тури ва худуднинг хусусияти ҳамда индивидуаллигини эътиборга олиш зарур. Қолаверса, бу бўйича жаҳон тажрибасини кузатиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун рақамли трансформация бўйича идоралараро ишчи гуруҳ шакллантирилган бўлиб, унда эксперtlар кенгаши мавжуд. Улар қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиришлар киритиш, спорт иншоотининг рақамли стандартини ишлаб чиқиш ва шу каби муайян соҳаларга эътибор қаратадилар.

Мутахассислар турли хил худудлар, федерациялар, илмий институтлар ва тижорат ташкилотларидан жалб этилади.



Расм. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш босқичлари

Вилоятлар ва федерацияларда ташаббуслар учун имконият бор: ҳар бир спорт турида бўлгани каби ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, факат “ишлаётган” кишигина рақамлаштириш учун айнан нима кераклигини тўлиқ тушунади. Хозирги кунда биринчи навбатда, аниқ дастлабки маълумотларга (масалан, спорт тоифалари ва унвонларини бериш ҳақидаги маълумотларга), маълум бир ахборот оқимлари ва жараёнларига эҳтиёж мавжуд. Бу шундан далолат берадики, мавжуд тизим минтақаларда ёки спорт федерацияларида аллақачон жорий қилинган бўлса, у ҳолда ишлаётган бошқа ахборот тизимлари билан маълумот алмашишга тайёр. Асосий вазифа – улардан реал вақт режимида маълумотларни олишдан иборат. Шунга кўра, бутун тармоқ бўйича ягона маълумот алмашиш стандарти муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ишнинг яна бир йўналиши ва асосий жиҳати ҳисобланади.

Турли хил чекловлар, шу жумладан ўз-ўзини изоляция қилиш режими жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун стресс синовига айланди. Бу таъсирини қуйидагича баҳолаш мумкин. Бу ерда стресс синови тушунчasi муҳим. Қолаверса, иккинчи томондан рақамлаштиришга нисбатан яна бир нуқтаиназар мавжуд: пандемия барча соҳаларда рақамли технологияларнинг ривожланишига турткি берди ва спорт ҳам бундан мустасно эмас. Эҳтимоллик билан айтиш мумкинки, иккаласи ҳам қайсиdir маънода тўғри.

Турли хил чекловлар туфайли киберспорт мусобақалари эмас, балки ҳақиқий онлайн спорт мусобақалари формати жорий қилинди. Жаҳон тажрибасини кузатадиган бўлсак, ушбу мусобақалар интеллектуал

шакллардан, яъни шахматдан бошланди ва якка кураш жанг санъати билан давом эттирилди, масалан, спарринг талаб этилмайдиган аниқликдаги каратэ ва таэквондо спорт турлари бўйича. Қолаверса, югуришга қизиқувчиларнинг мусобақалари ҳам онлайн форматда ташкил этилди: бунда ҳар ким алоҳида югуради ва уларнинг натижалари онлайн тизимда интернетда жамланади. Олиб борилаётган амалий тадқиқотлар натижасида онлайн спорт мусобақаларининг янги форматлари ишлаб чиқилмоқда ва улар норматив хужжатлар асосида расмийлаштирилиши кифоя. Чунки ташкилий ўзгартиришлар мусобақа қоидаларига таъсир қиласи. Агар бу йўналишдаги тараққиёт давом этадиган бўлса, ҳакамлик, антидопинг ва шу каби жихатларга янгича ёндашувлар талаб қилинади.

Чекловларнинг яна бир таъсирини шунда кўриш мумкинки, томошабинларни спорт мусобақаларига киритишнинг иложи бўлмаган ҳолатда, спорт кўрсатувларини намойиш қилиш технологияларини ривожлантиришга зарурат сезилади. Бу эса, бир томондан, технологияларни арzon, бошқа томондан эса, томошабинлар учун қулай бўлишини талаб этади. Ушбу ҳолат, айниқса, кириш текин бўлган мусобақаларга тааллуқлидир, одатда улар қиммат телекоммуникацион технологияларни жалб қилмайдилар. Бундай технологиилар сирасига сунъий интеллект ёрдамида 360 градусли суратга олиш технологиясини киритиш мумкин. У объектга ўрнатилган битта камерадан ташкил топган бўлиб, мусобақа жараёнидаги асосий дақиқаларни тасвирга олиш, мусобақанинг тўлиқ трансляциясини ташкил қилиш имконини беради.

Пандемия шароити инсонлар учун баъзи амалларни “масофадан” амалга оширишга замин яратди. Бундай ўзгаришилар, албатта келгусида сақланиб қолади ва чекловлар қанчалик кучли бўлишидан қатъий назар ривожланиб боради.

Рақамли трансформациянинг узоқ муддатли муаммоларига тўхталағидан бўлсак, болаларни спорт мактабига рўйхатга қўйиш ёки компьютер тугмасини бир марта босиш орқали спорт муассасаларига аъзо бўлиш каби вазифалар ҳозирги кунда республикамиз аҳолиси учун яратилаётган интерактив хизматлар сирасига киради. Ушбу ҳолатда манфаатдор ташкилотларнинг (веб-портал) иштирокини ҳамда давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари таъсирини ҳам алоҳида эътиборга олиш зарур.

Хуроса

Спорт соҳасини рақамлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар доирасида қўйидаги хуросаларни қабул қилиш мумкин:

1. Ташкилий жараёнларни автоматлаштириш: Рақамли технологиилар ёрдамида спорт тадбирлари, машғулотлар ва мусобақаларни ташкил қилиш осонлашади. Ягона тақвим режаси, натижаларни баҳолаш, спортчиларнинг рўйхатга олиниши каби жараёнлар автоматлаштирилади.

2. Фойдаланувчига мослаштирилган хизматлар: Рақамли платформа ва мобил иловалар орқали спортчилар, мураббийлар ва мухлислар учун қулай хизматлар яратилади. Масалан, тадбирларга онлайн рўйхатдан ўтиш, жадвалларни кузатиш ва реал вақтда натижаларни олиш мумкин бўлади.

3. Шаффоффлик ва тузилган маълумотлар: Рақамли трансформация натижасида барча жараёнлар шаффоффлашади. Спорт тоифалари ва унвонларини аниқ белгилаш, статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш осонлашади.

4. Катта маълумотларни бошқариш: Спорт соҳасида рақамли технологиялар катта миқдордаги маълумотларни самарали тўплаш ва бошқариш имконини беради. Бу маълумотлар орқали спортчиларнинг натижалари таҳлил қилиниб, стратегик қарорлар қабул қилиниши осонлашади.

5. Инклузия ва турли имкониятлар яратиш: Рақамли трансформация ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам спортга киришни енгиллаштиради. Онлайн платформалар ва махсус технологиялар уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қиласди.

6. Ҳамкорлик ва соҳавий интеграция: Спорт соҳаси рақамли платформа орқали соғлиқни сақлаш, таълим ва иқтисодий секторлар билан яқинроқ интеграция қилинади. Бу соҳалар ўртасидаги ҳамкорликни қучайтириш имкониятини беради.

7. Интерактив ўкув ва машғулот жараёнлари: Спортчиларнинг машғулотлари рақамли қурилмалар ва датчиклар орқали қузатилиб, натижалар таҳлил қилинади ва мураббийлар интерактив йўриқномалар бериш имкониятига эга бўлади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини рақамлаштириш фойда олиш ва қулай маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун имконият яратади. Бу жараёнда кўп жиҳатдан давлат томонидан тартибга солинмайдиган лойиҳалар устуворлик касб этади. Бу борада республикамиз ҳудудларидағи энг яхши тажрибалар тўпланиши ва амалиётга татбиқ қилиниши мақсадга мувофиқ. Айтиш мумкинки, инсоннинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши – бу тўлиқ “экотизим” элементидир. Спорт обьектларига борищдан олдин тайёргарлик кўриш, спорт анжомлари билан қуролланиш ва суғурталаниш талаб этилади, қолаверса, спорт тадбирларига чипта харид қилиш масаласини ҳам эътиборга олиш лозим. Шу билан бирга, турсаёҳатларга бориб ўша жойнинг ўзида мавжуд спорт секцияларига қатнашиш мумкин. Бу жараёнлар мамлакатимизда хизмат кўрсатиш экотизимларини барпо этаётган манфаатдор томонларни қизиқтириши ажабланарли эмас. Бундан ташқари, нафақат спорт компонентини, балки фаол ҳаёт тарзи билан шуғулланадиганлар учун ҳам кенг кўламли хизматларни ўз ичига оладиган веб-платформаларни яратишга қизиқиши мавжуд. Фуқаролар учун тақдим этиладиган рақамли хизматлар масаласида хусусий тадбиркорлик давлат секторига қараганда анча пухта, шунинг учун бу жараёнларни ривожлантириш давлат-хусусий шерикчилик асосида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегияси.
3. Быков Н.Н., Денисов Е.А. Пути совершенствования спортивного отбора для занятий профессиональным спортом // Информатизация в цифровой экономике. – 2021. – № 2. – с. 71-78. – doi: 10.18334/ide.2.2.113384.
4. Ванюк Е.В., Григорьев В.В. Блокчейн в спорте // Бенефициар. – 2019. – № 41. – с. 19-23.
5. Верзилин Д.Н. Управление субъектами индустрии спорта в условиях пандемии коронавируса // Креативная экономика. – 2020. – № 12. – с. 3697-3708. – doi: 10.18334/ce.14.12.111448.
6. Жапаров Е.С. Цифровизация в спорте: состояние и перспективы / Е.С. Жапаров, А.А. Ляшенко. - Текст: непосредственный // Молодой ученый. - 2020. - № 48 (338). - С. 462-463.
7. Попов М.Л., Ибрагимова Г.М., Геркина Е.А. Спортивные организации и их потребности в информационном обеспечении // Наука и спорт: современные тенденции - 2016 - №4 (Том 13) - С. 81-87.
8. Леднев В.А. Коммерциализация мировой индустрии спорта // СМ: все о спортивном менеджменте и маркетинге. – Москва: Университет Синергия, 2019. – Вып. 3. С. 82 – 91.
9. Стеценко Н.В. Цифровизация в сфере физической культуры и спорта: состояние вопроса / Н.В. Стеценко, Е.А. Широбакина // Наука и спорт: современные тенденции. – 2019. – №1.
10. Филиппов С.С. Менеджмент физической культуры и спорта: учебник для вузов / С.С. Филиппов. – 4-е изд., испр. и доп. – М.: Юрайт, 2020. – 234 с.
11. Varriale L., Briganti P., Volpe T., Ferrara M. Sport organizations: An investigation of digital technologies and their impact on performance in the Italian context // ITM Web of Conferences 41, 04004. – Naples, 2022. – Р. 1-11. – URL: https://www.itmcofeences.org/artcles/itmconf/pdf/2022/01/itmconf_iess2022_04004.pdf.
12. Tóth N.Á. Sport and Security-New Technologies // Victimology. – 2021. – № 3. – p. 241-254.